

Олимларнинг илм йўлидаги сабр-матонатларидан ҳаётий лавҳалар 01

[Ўзбекча – Uzbek – الأوزبکي]

Шайх Абдулфаттоҳ Абу Фудда

Таржимон: Абу Абдуллоҳ Шоший

Тахрир: Абу Жаъфар

2014 - 1435

IslamHouse.com

صفحات من صبر العلماء على شدائدهم العلم والتحصيل ١

« باللغة الأوزبكية »

عبد الفتاح أبو غدة

مترجم: أبو عبد الله الشاشي

مراجعة: أبو جعفر

2014 - 1435

IslamHouse.com

Олимларнинг илм олиш йўлида қилган сафарларида бошларидан кечирган чарчоқ ва қийинчиликлари ҳақидаги хабарлари

Бисмиллаҳир роҳманир роҳим

Сўзни бу мавзуга алоқадор бўлган саййидимиз, башарият отаси Одам алайҳис-салоту вассалом ҳақида келган хабарлардан, у зотнинг улуғ фаришталардан таълим олишга буюрилган нарсани ўрганишида ва илм талаб қилишида қилган саъи-харакатларидан бошлай-ман. Сўнгра унинг ортидан айни мавзуга тегишли саййидимиз Мусо алайҳисалоту вассалом ҳақида, сўнгра баъзи саҳобалар ва катта уламолар ҳақида келган хабарларни илова қиласман.

1 – Имом Бухорий ва имом Муслим раҳимаҳумаллоҳ “Саҳиҳ”ларида¹ Абу Ҳурайрадан ривоят қиласидилар (Имом Муслимнинг лафзи): Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Оллоҳ

¹ Саҳиҳи Бухорийнинг Фатҳул Борий шарҳи (6/362), Саҳиҳи Муслимнинг Нававий шарҳи (11/3).

таоло Одамни ўз суратида¹ яратди, унинг бўйи олтмииш зироъ (газ) эди. Қачонки, уни яратиб бўлгач, унга “ҳў анави бир гуруҳ ўтирган фаришталарнинг олдига боргин-да, уларга салом бергин! Сўнгра уларнинг сенга оладиган алигини яхшилаб эшиштган, чунки бу сеннинг ва зурриётингнинг саломи бўлади”, - деди. Одам аЛАЙҲИССАЛОМ бориб: “Ассалому аЛАЙКУМ”, - деди. Фаришталар: “Ассалому аЛАЙКА ВА РАҲМАТУЛЛОҲИ”, деб аликларида “раҲМАТУЛЛОҲИ”ни зиёда қилишиди.

Жаннатга киражак ҳар бир киши Одам аЛАЙҲИССАЛОМНИНГ вужуд кўринишида киради. Одам аЛАЙҲИССАЛОМдан кейин келган халқларнинг

¹ Ҳофиз ибн Ҳажар “Фатҳул Борий” (6/366)да деди: “Бу ривоят Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг “ўз суратида” деган сўзларидағи замирни Одамга тааллуқли деган олимларнинг сўзини қувватлайди. Яъни Оллоҳ таоло Одамни унга берган кўринишда яратди. Одам зурриётлари сингари пайдо бўлиш асносида бир ҳолатдан бошқа ҳолатга ўтмади ва бачадонда босқичма-босқич ўзгармади, балки Оллоҳ унга руҳни илк киргизган чоғдәёқ уни мукаммал, бир бутун киши ҳолида яратди. Сўнгра Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Унинг бўйи олтмиш зироъ эди”, дея сўзларини давом эттирди. Бу ўринда ҳам замир Одамга қайтди”.

хилқатлари (бўй-бастлари) то бугунги кунгача қисқариб келди”, - дедилар¹.

Уламолар бу ҳадисдаги “Хўанави бир гурӯҳ ўтирган фаришталарнинг олдига боргин-да, уларга салом бергин! Сўнгра уларнинг сенга оладиган алигини яхшилаб эшиштгин”, деган сўзининг шарҳида шундай дейдилар: “Бунда фаришталарнинг Одам алайҳиссаломдан узокроқ ўринда бўлганликлари келиб чиқади. Бу эса, илм олиш учун ҳаракат қилишнинг мустаҳаб (яхши кўрилган амал) эканлигига далил бўлади. Шунингдек, бу ҳадиси шарифга биноан илм олиш учун илк бор уринган, бу йўлда илк одим отган киши Одам алайҳиссалом ҳисобланади”.

2 – Имом Абу Абдуллоҳ Бухорий “ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ” номли ҳадис китобида ‘Илм бўлими’нинг ‘Мусо алайҳиссаломнинг денгиз бўйлаб Хизр

¹ Ҳофиз ибн Ҳажар “Фатҳул Борий” (6/367)да деди: “Ҳар бир асрдаги одамларининг бўй-бастлари ўзларидан олдинги аср одамлариникидан қисқароқ бўлиб бораверади. Бўй-бастнинг қисқариб бориши бу умматга келиб тўхтайди. Ва бу иш шу ҳолатда қолади.

Ибн ат-Тийн бу ҳадис шарҳида шундай дейди: Бўй-бастда қисқариб бориш, худди кишининг (яъни ёш боланинг) аста-секин ўсиб боришига ўхшайди. Инсоннинг ўсиши соатлар ёки кунлар ичida билинmasa ҳам, бир қанча кунлар ўтгандан кейин аниқ билинади. Бу ердаги қисқариб бориш ҳам шунингдекидir”.

алайхиссалом хузурига боргани ҳақида зикр қилинган ҳадислар” бобида¹ Оллоҳ таолонинг қўйидаги сўзини келтиради:

“(Мусо Хизрга:) Сенга билдирилган билимдан, менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?”, деди².

Сўнгра имом Бухорий ҳадис санад занжирини Ибн Аббос разияллоҳу анхумога қадар давом эттириб ривоят қиласи. Ибн Аббос билан Ҳурр ибн Қайс Фазорий, Мусо алайхис-саломнинг ҳамроҳи ким эканлиги тўғрисида тортишиб қолишиди. Ибн Аббос: “У Хизр эди”, - дер эди. Шу пайт уларнинг ёнидан Убай ибн Каъб ўтиб қолди. Ибн Аббос уни чақириб: “Биз Ҳурр билан иккимиз Мусо уни ахтариб йўлга отланган кишининг кимлиги тўғрисида тортишиб қолдик. Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи ва салламдан у ҳақида бирор нарса эшитганмисиз?”, - деди. Убай деди: “Ха, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитганман: “*Мусо алайхиссалом Бани Исроил қавмларидан бир жамоасининг ичida турганида бир киши келиб:*

¹ “Фатҳул Борий” (1/153).

² Қаҳф: 66.

“Үзингиздан билувчироқ бирор киши борлигини биласизми?”, - деб сұрабди. Мусо алаіхиссалом: “Йүқ”, - деб жавоб берганида Оллоҳ таоло Мусога: “(Сендан олимроқ бўлган) Хизр деган бандам бор”, - деб ваҳий қилди. Шунда Мусо алаіхиссалом Хизр билан учрашиши йўлини сўради. Оллоҳ таоло балиқни (ҳут балигини) учрашув аломати қилди ва Мусога: “Балиқ кўзингдан гойиб бўлгач, орқангга қайтсанг, Хизрни топасан”, - дейилди.

Мусо алаіхиссалом денгиз бўйлаб балиқ ортидан кета бошлиди. Бир вақт хизматидаги йигитча Мусо алаіхиссаломга: “**Буни кўринг, биз** (денгиз соҳилидаги) **қояга бориб** (ором олган) **пайтимизда, мен балиқни унугибман.** (Бу воқеани сизга) **айтишни фақат шайтон ёдимдан чиқарди**”, деди. У (балиқ) денгизга **ажойиб** (сездирмаган йўсинда) **йўл олган эди**”. (Мусо): «**Мана шу биз истаган нарсадир**», деди. Сўнг келган йўлларидан изларига **қайтдилар**¹ ва Хизр алайхиссаломни топдилар. Мана шу воқеа Оллоҳ таоло Куръонда уларнинг (Мусо ва Хизрнинг) воқеалари тўғрисида билдирганидир”.

¹ Каҳф: 63-64.

Хофиз Ибн Ҳажар “Фатхул Борий”да¹ ушбу ҳадиснинг шархида айтади: “Бу боб, илм олиш йўлида қийинчиликларга сабр-бардошли бўлишга қизиктириш учун қўйилгандир. Чунки орзу қилинган нарса йўлидагина қийинчилик-ларга сабр-бардош қилинади. Шунинг учун шарафли ва юксак мартабада эканлиги Мусо алайҳиссаломни илм олишдан ва бу йўлда қуруқлигу-денгиз ошиб сафар қилишидан тўсмади.

Ҳадиси шарифда илм олиш, ҳатто бор илмини зиёда қилиш йўлида денгиз бўйлаб сафарга чиқиш, сафарда ўзи билан озик-овқатини олволишининг машруъ эканлиги, ҳар қандай ҳолатда тавозели бўлиш ва устозларни хурмат қилишга ишора бор. Мана шунинг учун Мусо алайҳиссалом Хизр алайҳиссалом билан учрашишга ва ундан таълим олишга ғайрат қилди. Бундай қилишининг сабаби, қавмига ўз одоби билан одобланишларини ўргатиш ва ўз нафсини поклашни истаган киши тавозе йўлинни тутиши кераклигига танбех бериш эди”.

¹ “Фатхул Борий” китабул-илм (1/153 ва 158).

Хоғиз Ҳатиб Боғдодий “*ар-Риҳлату фи талабил-ҳадис*” китобида¹ мазкур ҳадис ортидан шундай дейди: “Илм аҳлидан бири айтади: “Мусо алайҳиссаломнинг Оллоҳ наздидаги мартабаси, улуғлиги ва пайғамбарлик шарафига қарамай бошидан кечирган мاشаққат ва сафарда, Хизрга сабр билан итоат қилиб тавозеда бўлишида илмнинг қадрининг юксаклиги, илм аҳлининг мартабасининг устунлиги ва ундан илм талаб қилинган кишига тавозе қилишнинг гўзалли-гига ишора бордир.

Агар инсоннинг даражаси ва мартаба-сининг баланд бўлиши тавозели бўлишидан тўсганда эди, буни энг аввало Мусо алайҳиссалом қилган бўларди. Мусо алайҳис-саломнинг ўзида бўлмаган илмга эҳтиёжи борлигини тан олиб, ёнида бўлмаган бир кишидан фойдаланишга ҳарис бўлиб, ватанини тарк қилиб мешаққат чекиши ва саъй-ҳаракат қилиши, халқ орасида ундан кўра баландроқ мартабада ва бундан кўра яхшироқ ҳолатда бўлган бирортасининг йўқлигига далолат қиласиди”.

¹ 106-бет.

Ҳофиз имом Ибнүл Қоййим раҳимаҳуллоҳ “Мифтаҳу дарис-саъадаҳ” китобида¹ илм ва илм аҳлиниң шарафидан бўлган фазилатларни санаб шундай дейди: “Ўттиз тўртинчи жиҳати: Оллоҳ таоло у учун Тавротни қўли билан ёзган, у билан гаплашган сухбатдоши ва танлаб олган бандаси (Мусо алайҳиссалом) таълим олиш ва илмига илм зиёда қилиш учун бир олим кишининг ёнига сафар қилгани ҳақида бизга хабар бериб деди:

“Мусо (ўзининг хизматидаги) йигитга: «То икки денгиз қўшиладиган ерга етмагунча ёки узоқ замонлар кезмагунча юришдан тўхтамайман», деган пайтини эслангиз”².

Мусо алайҳиссалом ўша олим киши билан учрашиш ва ундан таълим олишни қаттиқ хоҳлагани учун юришдан тўхтамаслигини айтганди. У билан учрашганида ўқувчи муалли-мига қандай муносабатда бўлса, ўшандай йўлни тутиб, унга:

“Сенга билдирилган билимдан, менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга

¹ 1/55.

² Каҳф: 60.

эргашсам майлими?”, - деди”¹. Мусо алайҳис-салом салом-алиқдан сўнг, гапини унга эргашишига изн беришидан бошлади. Унга фақат унинг изни билангина эргашишини айтиб:

“Менга ҳам тўғри йўлни таълим беришинг учун сенга эргашсам майлими?”, - деди”. Мусо уни текшириш, имтиҳон қилиш учун келмаган ва ортиқча талабчанлик ҳам қилмаганди, билакс, у илмини зиёда қилишни истаган ўқувчи бўлиб келган эди. Мана бу, илмнинг фазли ва шарафига етарли далилдир.

Мана Оллоҳнинг пайғамбари ва У билан суҳбатлашган бандаси учта масалани бир олим кишидан ўрганиш йўлида сафар қилди ва сафарда йўл мashaққатини чекди. Мусо алайҳиссалом олим киши хақида эшиттгандан кейин, у билан учрашиб, унга эргашиш ва ундан таълим олишни сўрамагунича тинчланмади. Мусо ва Хизр алайҳимассалом қиссасида бир қанча ибратлар, оят-мўъжизалар ва ҳикматлар бор, лекин ҳозир уларни зикр қилиш ўрни эмас”.

¹ Каҳф: 66.

Ибнул Қойим бунга ўхшаш сўзларни ўзининг “Мадарижус-соликин” китобида¹ ҳам айтиб ўтган.

Буларнинг ортидан илм олиш йўлида сафар қилганларига доир саҳобалар разияллоҳу анҳум ҳақида келган хабарлардан айримларини келтираман. Зеро улар бизга пайғамбарлар саловотуллоҳи ва саламуҳу ажмаъийндан кейинги ўринда турадиган ўрнак ва намунадир-лар.

З – Бухорий ўзининг “ал-Жомиъ ас-Саҳиҳ”ида “Маноқиб бўлими”нинг “Абу Зарр Фифорий разияллоҳу анҳунинг мусулмон бўлиши қиссаси боби”² ва “Замзам қиссаси боби”да³ ҳамда имом Муслим ўзининг “Саҳиҳ”ида “Абу Заррнинг фазилатлари ҳақидаги боб”да⁴ Ибн Аббос разияллоҳу анҳумодан ривоят қилдилар. (Имом Муслимнинг лафзи), Ибн Аббос разияллоҳу анҳумо деди: Абу Зарр бундай деди: Унга Маккадан пайғамбар чиққани хабари келганда укаси Унайсга:

¹ 2/471.

² 6/400 ва 7/132.

³ 6/400.

⁴ 16/27.

“Йўлга отлан-да, тўғри Макка водийсига бориб, ўзига осмондан хабар келаётганини даъво қилаётган ўша кишини мен учун суриштир ва унинг гапларини эшитгинда, ортингга қайт”, - деди. Унайс йўлга чиқиб, Маккага келди ва унинг гапларидан баъзи нарсаларини эшитгач, Абу Заррнинг олдига қайтиб келиб, унга шуларни айтиб берди:

“Унинг гўзал ахлоқларга буюраётганини кўрдим. Гапларига қулоқ солдим, шеърдан бошқа нарсаларни гапиради”. Абу Зарр:

“Мен хоҳлаган нарсалар ҳақида етарли маълумот олиб келмабсан”, деб озиқ-овқат тўрвасини тайёрлади ва сув тўла мешини орқалаб, Макка сари йўлга чиқди. Маккага келиб, масжидга борди ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламни қидира бошлади. Ваҳолангки, Абу Зарр у зотни танимасди ва бирордан сўрашни ҳам истамади. Шу зайлда кеч бўлди ва бир чеккалик ўтиб ётди. Ўша ердан ўтиб кетаётган Али ибн Абу Толиб разияллоҳу анхунинг кўзи унга тушди, унинг бегона, мусоғир эканини билиб, уйига таклиф қилди ва Абу Зарр у билан кетди. Тонг отгунича бир-биридан бирор нарса ҳақида сўрамади.

Тонг отганда Абу Зарр тўрвасини ва мешини орқалаганича масжидга кетди. Ўша кун ҳам кечгача Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллати қўрмади. Кейин ҳалиги ётган ўрнига келиб ётди. Унинг ёнидан ўтиб кетаётган Али уни кўриб:

“Бу одамга нима бўлди, уйи йўқми буни?!”
деб уни ўзи билан бирга уйига олиб кетди. Бу кеча ҳам улар бир-биридан бирор нарса тўғрисида сўрамади. Абу Зарр учинчи кун ҳам айни ишни қилди. Яна Али уни уйига олиб кетди. Сўнгра унга:

“Нима учун келганингни ҳали ҳам айтмайсанми?”, - деди. Абу Зар:

“Менга ёрдам беришингга сўз берсанг, айтаман”, - деди. Али унга сўз бергандан кейин, у нима учун келганини айтди. Али разияллоҳу анху Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллати қўрмади эканини ва унинг Оллоҳнинг расули эканини айтди. Сўнгра унга:

“Тонг отганда менга эргашгин, бордию сенга зарари тегадиган бир нарсадан хавотирлансан, худди сув қуяётганга ўхшаш ҳолат қилиб тураман, сен

юришда давом этаверасан. Мен кирадиган жойга киргунимга қадар мени таъқиб қилиб бор!” - деди.

Абу Зарр унинг айтганидек қилди ва биргаликда ичкарига кирдилар. У Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллатинаг сўзларини тинглади ва ўша жойнинг ўзида мусулмон бўлди...”.

давоми бор...